O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№ 3103091

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 5-mart • Payshanba • 27 (27.988) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларда барча бўғиндаги депутатлар фаоллигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Баркамол авлод орзуси

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Самарқанд Миллий ҳунармандчилик ва қурилиш касб-ҳунар коллежида ёшларга бешта йўналиш бўйича таълим-тарбия берилмоқда. Мазкур илм даргоҳида 50 дан зиёд ўқитувчи 987 нафар талабага касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда.

— Ҳозирги вақтда коллежимизда заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, дизайнерлик, сартарошлик сингари ўндан зиёд амалиёт хоналари ишлаб турибди,— дейди коллеж директори Толиб Аҳмедов. — Билим масканимиз 2005 йили капитал таъмирдан чиқарилди. Ўқув хоналарининг барчаси замон талаблари даражасида жиҳозланган. Компьютер хонаси, спорт зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Илм даргоҳида йигит-қизларни касбга йўналтириш, касбий кўникмаларини ошириш мақсадида устоз-шогирд мактаби шаклланган. Шунингдек, коллеж маъмурияти бир неча йиллардан бери «Ҳунарманд», «Усто» уюшмалари билан тузилган шартномаларга кўра битирувчиларни иш билан таъминламоқда.

— Коллежимизда истеъдодли ёшларимиз жуда кўп, — дейди мураббий Акбархон Барноев. — Улар томонидан яратилаётган ҳар бир буюм нафис, бетакрор санъат асари даражасида баҳоланаяпти. Талабалар отаболаримизнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилигига катта қизиқиш билан қарашади. Дизайнерлик бўлимимизда 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг миллий либослари галереяси тўпланган. Моҳир қизларимиз улардан андаза олган ҳолда, миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган 10 га яқин турда либос яратдилар.

Ҳозир гўзаллик, латофат, яшариш айёми Наврўзи оламга тайёргарлик кўраяпмиз. Байрам муносабати билан ўтказиладиган миллий ҳунармандчилик танловида ўн йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай келаяпмиз.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *бадиий безак устаси Моҳинур Маннопова; коллеж талабаларидан бир гуруҳи.*

Т.ҲАМРОҚУЛОВ (ЎзА)
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

4 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида коллекторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш тартиби, шунингдек, кредиторнинг, қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, коллекторлик ташкилотларининг фаолиятини таъминловчи бошқа нормалар белгиланган.

Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама этилиб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин депутатлар уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаеванинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, шу жумладан, 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қоидаларини рўёбга чиқаришга қаратилган. «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни янада такомиллаштириш банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини банклар мулк сифатида олиши, кейинчалик уларни бақувват инвесторларга реализация қилиши имкониятини беради. Амалдаги қонунларга тузатишлар жаҳон молия бозорларида юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги партиялар ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Саифназаров сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш пайтида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун кучга кирганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

(ЎзА)

✓ Депутат ва ҳаёт

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

одамларнинг қувонч ва ташвишлари, электорат манфаати ҳимоясига оид муаммолар билан янада яқинроқ танишиш имконини берди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари

Андижон шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси раиси ўринбосари Анатолий Козловнинг сайловчилар билан учрашуви бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган суҳбатда депутатлик бурчи, масъулияти, сайловчилар ишончи билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Депутат мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, кенг кўламли яратувчилик, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки ҳақида батафсил тўхталди. Кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Депутатнинг биз билан тез-тез учрашиб, суҳбат қуриши, фаолияти тўғрисида сўзлаб бериши икки томон учун ҳам жуда фойдали, — деди ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Исмоилов. — Бу галги суҳбатимиз ҳам шаҳримиз аҳолисини ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан чуқур хабардор қилгани, одамлар ўзларини қизиқтираётган, ўйлантираётган саволларга жавоб олгани билан барчамизга маъқул бўлди. Эшитганларимизни энди маҳалладошларимизга ҳам сўзлаб берамиз.

Шунингдек, депутатнинг ўқув, меҳнат жамоаларида ҳам сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Андижон вилояти)

2-бет

❖ ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Ўзбек Миллий академик драма театридаги партиямиз фаоллари ва хайрихоҳлари

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Мамлакатимиздаги кўплаб ижодий жамоаларда партиядошларимиз хизмат қилади. Яқинда мухбиримиз Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри ва Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театридаги партиямиз бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишди.

демак, партия кенгашлари билан ҳамкорликни яхшилашдан манфаатдормиз, дейишмоқда театр актёрлари

Ўзбек Миллий академик драма театридаги бошланғич партия ташкилоти раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов биз театрга борганимизда репитицияда экан. Машғулот тугагач, у билан суҳбатлашдик.

— Театримизда ХДП тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади, — деди у. — Ҳозир 14 нафар партия аъзоси бошланғич ташкилотга бириккан. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Теша Мўминов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Қаҳрамон Абдураҳимов, Ботир Муҳаммаджонов партиямиз фаоллари ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида аввало партия Дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этишга ҳаракат қиламиз. Маънавий янгиланиш жараёнида иштирок этиш, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб, келгуси ишимиз учун режа белгилаб оламиз.

2-бет

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

БУХОРО. Бу йил кўкламга эрта тайёргарлик кўрдик, — дейди Бухоро шаҳар ҳокими Қиёмиддин Рустамов. — Йилнинг бошиданоқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги эълон қилингани яхши самара бермоқда. Бугун ҳар бир маҳалла, кўча ва хиёбонларда ниҳол ҳамда ҳар хил гул кўчатлари ўтказиш ишлари жадал тус олди.

Айниқса, бу юмушларда олий ва ўрта махсус таълим тизими талабалари фаоллик кўрсатишмоқда. Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи ўқитувчилари ўз ҳудудларидан ташқари шаҳарнинг Намозгоҳ кўчасини ҳам ободонлаштирдилар. Улар минг тупдан зиёд манзарали дарахт ниҳоллари, минг туп гул кўчатлари ўтказдилар.

Доврон БАҲРОНОВ

• ХОРАЗМ:

ҚИРҒОҚЛАР ТУТАШМОҚДА

Чолиш — Беруний йўналишида бунёд қилинаётган янги кўприк аҳоли учун катта қулайлик яратади. Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари қизғин бормоқда.



2-бет

• ПАРВОЗИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

ёки жаҳон бўйлаб юз берган йирик авиаҳалокатлар ҳақида

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда фойдаланилаётган узоқ масофага учувчи «Boeing-767» самолётларида ҳам хавфлилик даражаси анча юқори экан.

3-бет

❖ Муқаддас қадамжоларимиз

• БОҒИСТОН УЛУҒЛАРИ

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

одамларнинг қувонч ва ташвишлари, электорат манфаати ҳимоясига оид муаммолар билан янада яқинроқ танишиш имконини берди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари

Узун, Олтинсой ҳамда Шўрчи туманларида Қонунчилик палатаси депутати Жалғаш Маматмўминов билан ўтказилган жонли мулоқотлар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Депутат дастлаб Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосаларга тўхталди.

— Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, янгиланишлар замирида аввало халқ, инсон манфаати, элнинг фаровон ҳаёти ётибди, — деди у. — Ўтган йилларда бошланган хайрли ва эзгу ишлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида изчил давом этиши, янги босқичга кўтарилиши шубҳасиз. Энди қишлоқларимиз ҳам шаҳарлардек чирой очади. Олис овул ҳамда кентларда янги-янги маданий-маиший иншоотлар қад ростлайди.

— Депутат билан учрашув самимий, ошкора мулоқот асосида ўтди, — дейди узунлик Боймурод Жўраев. — Бу ерда сўнгги йилларда барпо этилган бетакрор ва кўркам иншоотлар кўзни қувнатади. Аграр, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам улкан ютуқларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган одил сиёсат мевасидир.

— Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мулкдор бўлдик, — дейди партиямиз фаоли, «Элюрт ҳурмати» ордени соҳиби Тўхта Эшимов. — 1998 йилда «Тўхта Эшимов» фермер хўжалигига асос солдик. Айни кунда бу ерда юз нафарга яқин киши иш билан банд. Ўтган қисқа даврда боғдорчилик, мева-сабзавот етиштиришни йўлга қўйдик. Келажакда маҳсулотларимизни қайта ишлайдиган замонавий ускуналар харид қилмоқчимиз. Буларнинг барчаси ҳаётимиз кундан-кун фаровонлашиб бораётганининг ёрқин мисолидир.

Учрашувларда одамларни ташвишлантираётган айрим муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Сурхондарё вилояти)

Ўзбекистон ХДПдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Рашид Ҳаитов Шеробод туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида учрашув ўтказди. Унда тумандаги сайловчилар вакиллари иштирок этди.

Депутат парламент қуйи палатаси фаолияти, Ўзбекистон ХДП фракциясининг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслари, тутаётган позицияси, бу борада қонун лойиҳаларига киритаётган таклифлари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

— Депутат билан учрашувда мен ўзимни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдим — дейди коллеж талабаси Каромат Раҳмонова. — Қонун яратиш жараёни, унда ХДП фракцияси иштироки тўғрисидаги тушунчам ошди. Келгусида мен ХДПга аъзо бўлиш ниятидаман.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Сурхондарё вилояти)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳҳор Иброҳимов ҳам ўз сайловчилари билан очиқ мулоқотлар уюштирди.

— Иқтисодиётимиз ривожланиб, одамлар турмушида катта ўзгаришлар бўлаётганини биргина Олтиариқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди депутат учрашув чоғида. — Айниқса, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигида яққол кўзга ташланади. Бу эса мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш натижасидир. Туманга тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши эса янги иш ўринлари очиш имкониятини яратади.

Учрашувда сўзга чиққан Ж.Бузрукхўжаев, Я.Қўшоқов, Т.Тожиев, Д.Қодирова ва бошқа сайловчилар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган имкониятлар туфайли аҳоли турмуши янада фаровонлашиб бораётгани ҳақида сўз юритишди.

— Гарчи депутат аввало қонун ижодкорлиги билан шуғулланиши керак бўлса-да, ўз сайловчиларини ташвишга солаётган баъзи бир масалаларни амалий ҳал этиши ҳам зарур, — деди Жўрак қишлоғидан Умида Каримова. — Шунинг учун ҳам биз депутатдан бугун ўртага қўйилган муаммолар ечимида ёрдам кўрсатишини сўрадик ва у ўз ваколати доирасида кўтарилган масалаларни ўрганиб, қонуний ҳал этишга кўмаклашишини билдирди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
(Фарғона вилояти)

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

демак, партия кенгашлари билан ҳамкорликни яхшилашдан манфаатдормиз, дейишмоқда театр актёрлари

Аслида, фаолиятимиз партиямиз дастурий мақсадлари билан муштарак. Бир неча йилдан буён театримизда таниқли режиссёрлар томонидан юртни севиб ардоқлашга ундовчи асарлар қўйиб келинади. Бу эса ўз навбатида партия маслагини одамлар онгига сингдиришнинг таъсирчан йўлларидан бири, деб ўйлайман.

Шунингдек, одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, юртимизда қарор топган тинчлик ва миллатлараро тотувликни асрабавайлаш каби эзгу мақсадга ундовчи ролларимиз орқали томошабинларга партия ғояларини етказамиз, тарғиб этамиз. Халқимиз санъат аҳлини яхши кўради, ўйнаган роллари, қаҳрамонларига ҳавас билан қарайди. Ундан ибрат олади.

БПТ раиси Мавлуда Маҳмудова партия ёш аъзолари билан

ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши билан доим алоқада, ҳамкорликда ишлаймиз. Туман кенгашининг кўпгина тадбирлари театримизда ўтади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри бошланғич партия ташкилоти раиси Мавлуда Маҳмудова шундай деди:

— 15 нафар партия аъзоси ташкилот фаолияти, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келади, — дейди у. — Уларнинг ташаббуси билан театр жамоаси Ватан ҳимоячилари, Ногиронлар куни, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ижодий кечалар, турли учрашувлар ўтказди.

Ёшлар йилида бошланғич ташкилотнинг ёшлардан иборат фаоллари Чирчиқ шаҳрида Гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Тўлқин Муҳиддиннинг «Адашганлар» спектаклини намойиш этди. Самарқанд вилоятида бўлган ижодий сафарда Меҳрибонлик уйларида хайрия спектакллари кўрсатилди. Бунинг барчаси партия илгари сурган ғояларга ҳамоҳангдир.

— Жамоадаги партия аъзоларининг тенг ярми ёшлар. 2007 йилда санъат олий ўқув юртларини битирган 7 нафар йигит-қиз партия сафига кириш истагини билдирди.

— Мен ХДПга 2008 йилда аъзо бўлдим, — дейди ёш актёр Ҳамид Собиров. — Чунки, ёнингда маслакдошинг, сиёсий қарашингни қўллаб-қувватловчи одамлар бўлса, ўзингни ёлғиз ҳис этмайсан. Партия Дастури билан анча илгари танишган эдим. Ўшанда билдимки, шу сиёсий ҳаракатга аъзо бўлсам, хато қилмайман. Театрга ишга келгач, ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти борлигини билиб, хурсанд бўлдим, унинг сафига кириш учун ариза ёздим. Қуйи ташкилотнинг ёш аъзоси сифатида партиянинг дастурий мақсадларини самарали амалга оширишга қаратилган таклиф-мулоҳазам йўқ эмас. Уни, аввало БПТда муҳокама этиб, сўнг амалга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри

Юқоридаги театрларда бўлгани каби, бу санъат ўчоғида ҳам БПТ фаолиятида жонли жараёнга дуч келамиз, деб ўйлаган эдик. Аммо... ЎзХДП Чилонзор туман кенгашидан театр бошланғич партия ташкилоти раиси ким экани тўғрисида аниқ маълумот ололмадик. Театрнинг ўзида ҳам бу масала ойдинлашмади.

— Майли, ташкилот раиси кимлиги ҳақида баҳслашмайлик, — деди актёр Алишер Отабоев. — Мен бошланғич ташкилотимиз ҳақида унинг бир аъзоси сифатида фикр билдирсам. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Турғун Бекназаров, Боир Холмирзаев каби таниқли санъаткорлар партиямиз сафида. Лекин, очиғи, биз бошланғич ташкилот сифатида туман партия кенгаши билан алоқамиз узилиб қолган.

Актёрлар халқ орасидаги одамлар. Миллий турмуш тарзимиз, жойлардаги турфа удумлар, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ҳаёт тарзи ва урф-одатларини яхши билади. Аммо бу имкониятдан, ижодкорлар салоҳиятидан самарали фойдалана олмаяпмиз. Партия ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтирсак, депутатларимиз билан учрашув ва мулоқотларни изчил йўлга қўйсак, ўткир ижтимоий мавзуларни саҳнага олиб чиқиш имкониятимиз кенгаяди.

Бу йилги ижодий режаларимиз бевосита қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ. Умуман, жамоамиз олис қишлоқларда кўплаб учрашувлар ўтказиш ниятида.

Дарҳақиқат, санъаткор ўйнаган роли, яратган қаҳрамони, у орқали айтаётган фикри билан томошабин қалбига кириб боради. Халқ уларни севади, ҳурмат қилади. Демак, ижодий жамоа кучи ва имкониятидан оқилона фойдаланиш партия ғояларини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар

✓ **Мустақиллик иншоотлари**

ХОРАЗМ: ҚИРҒОҚЛАР ТУТАШМОҚДА

Амударёнинг чап соҳилида жойлашган Урганч билан ўнг қирғоғидаги Беруний шаҳарлари аҳолисининг асрий борди-келдиси бор. Улар асов дарё узра қайиқ-солларда ўтиб-қайтишган. Қиш кунлари эса ҳайдовчилар муз устидан уловда ўтиш билан ҳаётини хавф остида қолдиришар эди. Бир неча йил икки соҳилни фонтон-кўприклар бирлаштириб турди. Лекин бу ҳам хотиржам қатнов учун кафолатли эмасди. Негаки, дарё қирғоқлари сув оқимлигига қараб ўзгариб турар, нотекис мослама — «кўприк» ҳайдовчилар учун доим хавф-хатар туғдирарди.

Беш йил муқаддам дарё тарихида илк бор улкан кўприк қуриб ишга туширилди. «Мискин — Ҳазорасп» кўприги — ҳам поезд, ҳам автоуловларга беминнат хизмат қила бошлади.

Чолиш — Беруний йўналишида бунёд қилинаётган янги кўприк аҳоли учун катта қулайлик яратади. Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари қизғин бормоқда.

— Зиммамизга кўприкнинг дарё оқиб турган чап қирғоғи қисми тушган, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг 13-«Кўприккурилиш» гуруҳи участка бошлиғи Жуманазар Бойсариев. — Худди шу ерда устунлар ўрнатиш, бурғулаш ишлари амалга оширилиши учун сузувчи йирик фонтон сувга туширилади.

Дарёнинг ўнг қирғоғида 14-ва 67-«Кўприккурилиш» гуруҳи ишчи-монтажчилари жадал меҳнат қилишмоқда. Бу ерда аллақачон кўприкнинг 5 устуни ўрнатиб бўлинди.

Кўприк узунлиги бир километрга яқин бўлиб, дарё узра иншоот залворини ана шу қудратли устунлар кўтариб туради. Дарё тубидан қирқ метргача чуқурликка улкан қувурлар ўрнатилади. Ҳар устун остига қирқ биттадан қувур кетади. Улар бетон ва бошқа темир мосламалар билан мустаҳкамланади. Кўприкнинг эни йигирма метр бўлиб, икки томонлама қатнов йўлига эга бўлади.

— Ҳозирча уч гуруҳда юз эллик нафарга яқин одам ишлаяпти, — дейди қурилиш участка бошлиғи Владимир Пронкин. — Устунлар ўрнатиб бўлингач, кейинги босқичда ишчи-хизматчилар сони яна бир неча баробарга ошади. Уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ташкил этилган. Ишчи-хизматчилар маошлари ўртача 350-400 минг сўмгача етмоқда.

Умумий қиймати 120 миллиард сўм атрофида бўлган муҳташам иншоот 2010 йил Мустақиллик байрами кунларида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ **Тадбир**

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастури ижрочилари билан ҳамкорликда тайёрланган «Бахтли бўлиш учун яралган Аёл» мавзуида кенг оммага мўлжалланган 16 та (8 та ўзбек ва 8 та рус тилида) ижтимоий видео ҳамда радиороликлар тақдимоти бўлиб ўтди.

БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН ЯРАЛГАН АЁЛ

Тақдимотда олий ўқув юрти талабалари, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ўқувчилари, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилотлар вакиллари қатнашди.

— Тақдимот материалларини олти ой мобайнида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрладик, — деди тадбир очилиши арасимида хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маруфова. — Роликлар аёлларимизни сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ ва бошқа жабҳаларда фаоллигини янада оширишга ундайди.

Намойиш этилган ижтимоий роликлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди, халқаро ташкилот вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Юртингиз аёллари жамиятда етакчи куч, оилада оқила бека, — деди БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Киоко Постилл хоним. — Шунга амин бўлдимки, ҳар бир ўзбек хонадонининг ўзига хос тартиб-қоидаси бор. Улар миллий анъаналарга амал қилади, айниқса, ёш оилалар тараққиётга, замонавий ахборотларга интилади. Биз бундан буён ҳам Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда янги-янги лойиҳалар устида ишлаймиз. Ўзбек хотин-қизлари беками кўст бахтга муносиб.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Чимбой туманининг Кенес овул фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ врачлик пункти жойлашган. Туман марказидан 20-25 километр олисдаги бу шифо маскани ҳозир «Ўролбой», «Жағалтой», «Бессари», «Томли» каби 13 та қишлоқнинг 6269 нафар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

«КЕНЕС» ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Тиббий кўрикдан ўтиб қайтаётган отахонлар суҳбати ҳам буни тасдиқлайди.

— Дўхтирлар хушмуомала экан. Юзида табассум билан кутиб олишди, — деди бири иккинчисига.

Униси ҳам мамнунлик билан гапни гапга улади:

— Ҳукуматимизга раҳмат, биз қариялар, ўғил-қизларимиз соғ бўлсин деб шунча ғамхўрлик қилаяпти! Марказдагидан ҳеч ҳам қолишмайдиган дўхтирхона, яна шарт-шароитни айтмайсизми!

Кундузги стационарда даволанаётган бемор Роза Раметуллаева ҳикоя қилади:

— Келганимга уч кун бўлди. Рўзғоридан узилиб даволанаётган биз аёлларга кераклича қулайлик яратилган. Палатамиз иссиқ, муолажа сифатли, дори-дармон етарли. Ҳозир анча соғайиб қолдим.

Олий тоифали шифокор Бибижамол Баймурзаева раҳбарлик қилаётган қишлоқ врачлик пунктида 3 нафар умумий амалиёт шифокори, 13 нафар ҳамшира хизмат қилади. Венера Султонова, Раъно Жақсимуратова, Улумхан Қаипова, Жумагул Есенбаева каби ўнлаб шифокору ҳамширалар хизматидан барча миннатдор.

Бу ерда, жумладан терапия, педиатрия, физиотерапия, гинекология каби бўлимлар бўлиб, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Ўтган Ёшлар йилида ҳудудимиз аҳолиси ялпи тиббий кўрикдан ўтказилди, — дейди Бибижамол Баймурзаева. — Кўп болали, ногирон, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оила аъзоларига дори-дармон текин. Туғиш ёшидаги 175 нафар аёлнинг ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтди, саломатлиги муттасил назоратда. Шифокор ва ҳамширалар маҳалла, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва фермер хўжаликларида тез-тез бўлиб, ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича суҳбат ва савол-жавоб ўтказиб келади.

Аҳоли қанча соғлом бўлса, қишлоқ ҳам шунга яраша тараққий этади. Деҳқончиликда ҳосил мўл бўлса, даромад кўп, дастурхон тўкин бўлади. Шу боис, кенеслик шифокорлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳар бир фуқаро сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш учун тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

САМАРҚАНД. Пастдарғом туманидаги Усмонобод қишлоғида лойиҳа қиймати қарийб 3 миллиард сўм бўлган 600 ўринли янги мактаб биноси қурилиши бошлаб юборилди.

— Қурилиш ишларида асосий эътиборни сифатга қаратаяпмиз, — дейди «Самарқандкимёқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 73-қурилиш жамланмаси бошлиғи Алберт Базян. — Айни кунларда бу ерда 150 дан ортиқ қурувчиларимиз меҳнат қилишаяпти. Ҳозиргача, 60-70 фоиз иш бажарилди. Янги мактаб биносини Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз.

(Ўз мухбиримиз)

ТОШКЕНТ ҚУВОНЧЛАРИ

Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейида воҳанинг турли туманларидан келган иқтидорли ёшлар ўқишади. Лицей талабалари пухта билим олишлари ва малакаларини оширишлари билан бирга ўзлари яратган асарлар билан кўплаб кўрик-танловларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашган. Айниқса, улар учун пойтахтимизда ўтказилган «Тошкент қувончлари» иккинчи халқаро Биенналеси омадли келди. Унда лицейнинг бир йўла 6 талабаси турли даражадаги совринларга сазовор бўлди.

Яқинда Тошкентда якунланган «Янги авлод» ижодиёт фестивалида ҳам лицей ўқувчиси Шаҳбоз Қурбонов диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Суратда: лицейнинг совриндор талабалари ва ўқитувчилари.

(Давоми. Боши 1-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

ПАРВОЗИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

ёки жаҳон бўйлаб юз берган йирик авиаҳалокатлар ҳақида

Жорий йил 25 февралида Туркиянинг «Turkish Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Boeing-737-800» самолёти Амстердамдаги «Схипхол» аэропортига қўниш олдидан аэропортга 2 мил қолганда ҳалокатга учради. Экспертларнинг фикрича, кутилмаганда ёнилғининг тугаши ушбу ҳалокатни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Негаки, жаҳон иқтисодий инқирози боис кейинги пайтларда самолётлар бортларида ёнилғи захирасини-да қисқартиришга тўғри келмоқда.

Самолёт қўнишга тайёргарлик кўраётиб, аэропортга етмасдан бир километр тепаликдан қулаши оқибатида ҳаво кемаси фюзеляжи уч бўлакка бўлиниб кетган. Ушбу «қаттиқ қўниш» натижасида 134 нафар йўловчидан 9 нафари ҳалок бўлди, 80 дан ортиғи турли даражада тан жароҳати олиб, касалхоналарга ётқизилди.

Маълумотларга кўра, бу ҳалокат Туркия авиакомпаниялари тарихида «Boeing-737» самолётининг охирги «авлоди» иштирокида юз берган 22-воқеадир.

Авиатранспортларда юз берган бахтсиз ҳодисалар тадқиқоти билан шуғулланувчи «JACDEC» бюроси мутахассисларининг айтишларича, «Boeing»нинг сўнгги «авлоди»га кирувчи «Boeing-737-600», «Boeing-737-700» ва «Boeing-737-800» модификациялари «Boeing-707» самолётларидан кўра ишончли. Самолётнинг янги модификациясида дунёда юз берган ҳалокатлар боис жами 278 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, 1991 йилгача ишлаб чиқарилган жами 856 та «Boeing-707» ҳаво кемасининг ҳар бештасидан бири ҳалокатга учраган ва кўплаб одамлар ҳаётдан кўз юмган. Бугунги кунда бу эски модификациядан фуқаро авиациясида фойдаланилмайди.

Россиянинг биринчи реактивларидан бўлмиш «Ту-104» ҳам хавфлилик борасида «Boeing-707»дан қолишмас экан. Жами ишлаб чиқарилган 212 та ҳаво кемасининг 36 таси (17 фоизи) ҳалокатга учраган. Натижада 1137 киши ҳаёт билан видолашган. 1960 йилда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланган.

Шукрки, замон ривожлангани сари самолётлар сифати ва ишончлилиги ҳам ортиб бормоқда. «Boeing», «Ту», «Дуглас» ва «Ил-76»ларнинг эски модификацияларида бахтсиз ҳодисалар бўйича рейтинг даражаси юқори бўлса, кейинчалик ишлаб чиқарилган «Airbus» самолётларининг биринчи «авлод»ларидан бўлмиш «А-300» модификацияси уларга қараганда анча ишончлироқ бўлган, яъни жами ишлаб чиқарилган 569 та самолётнинг 26 таси (4,6 фоиз) ҳалокатга учраган.

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда фойдаланилаётган узоқ масофага учувчи «Boeing-767» самолётларида ҳам хавфлилик даражаси анча юқори экан. 28 йилдан бери ишлаб чиқарилаётган ва йўловчи ташувида фойдаланилаётган бундай самолётларнинг 11 таси ҳалокатга йўлиққан ва 752 кишини ҳаётдан олиб кетган. Ҳозирча энг хавфсиз деб «Airbus»ларнинг янги модификациялари ва «Ту-204» самолётлари тан олинмоқда.

Соҳа экспертларининг таъкидлашларича, кейинги пайтларда, аниқроғи, 2008 йилда авиаҳалокатлар сони 2007 йилга нисбатан кўпроқ юз берган бўлса-да, йўловчиларнинг тирик қолиш имкониятлари анча кенгайган. Масалан, «IATA» халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси статистикасида қайд этилишича, ўтган йили содир бўлган авиафалокатлар сони 9 фоизга ортган, яъни 2007 йилда дунё бўйича 100 та авиафожиа юз берган бўлса, 2008 йилда бу рақам 109 тани ташкил этди. 2007 йилда жами 692 киши, ўтган йили эса 502 авиайўловчи ҳалок бўлди

2008 йилда авиаҳалокатлардан кўрилган зарар дунё бўйича ҳисоблаганда 4 миллиард долларни ташкил этди.

Энг ачинарлиси, бахтсиз ҳодисаларнинг 30 фоизи авиакомпаниялар маъмуриятлари томонидан хавфсизлик чораларига эътиборсиз қаралиши оқибатида юз берган.

«IATA» мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, аввалари 1 миллионта парвозга 1 та авиафожиа тўғри келган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1,2 миллионта парвозга 1 тани ташкил этди.

Ўтган йили энг хавфсиз парвозлар Осиё, Европа ва АҚШда амалга оширилган. Негаки, авиафожиалар юз беришининг дунёвий индекси бошқа минтақалардагига қараганда анча паст бўлди.

Шу ўринда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) эълон қилган маълумотларга эътиборингизни жалб этсак. Ўтган асрнинг 30-йилларида юз берган авиафожиаларда 18 фоиз йўловчи тирик қолган бўлса, йиллар ўтиши билан бу рақам кўтарилиб боришини кўриш мумкин. Масалан, 1940 йилларда — 23 фоиз, 50-йилларда — 23 фоиз, 60-йилларда — 21 фоиз, 70-йилларда — 24 фоиз, 80-йилларда — 30 фоиз, 90-йилларда — 32 фоиз.

Мутахассислар таҳлилларига кўра, 18 фоиз ҳалокат тезликни ошириш пайтида, 11 фоизи парвозда, 7 фоизи баландликка кўтарилишда, 5 фоизи горизонтал учишда, 3 фоизи пастлаётганда, 12 фоизи қўниш учун йўналиш олганда, 25 фоизи эса ерга қўнаётганда юз берган.

Экспертларнинг фикрича, фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, самолёт фюзеляжи конструкциясининг мустаҳкамлик даражаси оширилганлиги, ёнғинга чидамли, яъни унчамунчага ёниб кетмайдиган технологиянинг қўлланилаётганлиги йўловчилар ўлими ҳолати камайишига олиб келмоқда.

Унутмаслик лозимки, арзимаган носозлик ҳам парвозда катта муаммони келтириб чиқариши мумкин. Масалан, самолёт бортида кичкина тирқиш ҳосил бўлиши ёки «люк»нинг ўта зич ёпилмагани ҳам фожиага сабаб бўлади. Масалан Туркия авиакомпаниясининг «DC-10» самолётида «люк» яхши ёпилмаганлиги боис парвозда бортдаги ҳаво ташқарига сўрилиб кетган, натижада босим камайиб фалокат юз берган...

Июлда «Qantas Jetliner» компанияси самолёти Жанубий Хитой денгизи устидан учиб ўтаётганида кислород цистернаси портлаб кетади ва самолёт полида кичик автомобиль сиғадиган ҳажмда тешик пайдо бўлади. Натижада самолёт 20 минг фут баландликдан пастга қараб шўнғийди ва... ерга муваффақиятли қўнади. Экипажнинг жасорати ва маҳорати боис барча йўловчилар тирик қолади.

Шу ўринда «Washington ProFile» нашрида чоп этилган айрим тавсия-маслаҳатларни эслатиб ўтсак:

— иложи борича улкан самолётда учинг. Статистикадан маълумки, бундай самолётлар бахтсиз ҳодисага учраса, тирик қолиш имконияти кенг;

— самолётга чиққанда хавфсизлик «йўриқнома»лари билан танишинг, фожиа юз бергудек бўлса, чиқиш эшигини чамалаб олинг;

Дарҳақиқат, ушбу маслаҳатларга амал қилинса, ҳар ким ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун имкон ҳозирлаган бўлади. Ахир «Аллоҳ сақланганни сақлайди» деган гап бежиз айтилмаган.

Алимқул СУЛТОНОВ

2007 йил

1 ЯНВАРЬ. Индонезиянинг «Эдам-Эйр» хусусий авиакомпаниясига қарашли «Boeing-737-400» самолёти Сулавеси оролининг ҳарбий қисмига қулади. Бортдаги 102 кишидан ҳеч ким тирик қолмади.

5 МАЙ. Дуала — Найроби йўналишида парвоз қилаётган «Boeing-737-800» Камерунда ҳалокатга учраши 114 кишининг ёстиғини қуритди.

17 ИЮЛЬ. Бразилиянинг «ТАМ» авиакомпаниясининг «А-320» аэробуси Конгоньянс аэропортига қўнаётиб, учиш-қўниш чизиғидан чиқиб кетди ва ёнилғи қуйиш шохобчасига урилиши оқибатида 199 киши ёниб кетди.

2008 йил

20 АВГУСТ. «McDonnell Douglas MD-82» самолёти Мадрид аэропортидан кўтарилаётиб, чап дивигателидан ёнғин чиқди. Қайта қўнмоқчи бўлганида аэропортнинг учиш-қўниш чизиғи «тор»лик қилади. Натижада самолёт иккига бўлиниб, ёнғин чиқади. 154 киши халок бўлди..

24 АВГУСТ. Қирғизистоннинг хусусий авиакомпаниясига қарашли «Boeing-737-200» самолёти Бишкек аэропортидан кўтарилаётиб ҳалокатга учради. 65 киши ҳаётдан кўз юмди, 22 киши жароҳатланди.

14 СЕНТЯБРЬ. «Аэрофлот» авиакомпаниясига қарашли ҳаво кемаси Перм ҳудудида Урал тоғ тизмасига урилиб, 82 киши умрига зомин бўлди.

Чет элда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш, Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа чет эл мамлакатларида қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маслаҳатлар олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан чет элларга ишга жойлаштириш борасида таклифларга аниқлик киритиш, чет элларга ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган **8-371-232-27-88 ва 8-371-252-13-61** рақамли **«Ишонч телефонларига»** қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

ООО «LANTICH» сообщает об уменьшении Уставного фонда с 5023954163, 28 сум на 4890821253, 74 сум. **Претензии принимаются по телефону: 217-62-27.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАН «НАМАНГАН 3-СОНЛИ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Нархи ҚҚС билан (сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати
1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Наманган-3» пахта заводини модернизация қилиш.	1 677 800 000	4 ой

Буюртмачи: Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчасида жойлашган Тўрақўрғон туман «Наманган 3-сонли пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти

Телефон: (8-36944) 2-13-11.

Қурилиш ишлари Тўрақўрғон туман «Наманган 3-сонли пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Самарқанд вилояти, Жиноят ишлари бўйича Иштихон тумани суди ҳудудида қўшимча бино қурилиши

Қурилиш ишларини бажариш муддати: 3 ой.

Қурилиш ишлари Самарқанд вилояти суд департаменти ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Мустафо Камол Отатурк кўчаси, 21-уй, телефон: 233-74-15.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағни ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қуйидаги объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмага, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.*

Муқаддас қадамжоларимиз

Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

Ислом КАРИМОВ

Боғистон қишлоқ врачлик пункти мудири Рустам Орифжонов; ҳамшира Маҳина Наргитова.

БОҒИСТОН УЛУҒЛАРИ

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Тариқат оламининг етук намояндаси Хожа Аҳрор ҳам ўша машҳур шайхлар замини бўлган Боғистон қишлоғида милодий 1404 йилда таваллуд топган. У кишининг оналари Робиябегим Боғистон шайхларининг учинчи авлоди — Хожа Довуднинг қизидир.

Бу зот ўз давридаёқ Ҳазрат Навоий, Абдураҳмон Жомий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юксак эъзоз эҳтиромига сазовор бўлган, шонли тарихимизда ёрқин из қолдирган, мусулмон дунёсида Қутб ул Ақтоб (улуғ даражага етган авлиё) дея эътироф этилган 3 авлиёнинг биридир.

Манбаларда келтирилишича, Хожа Аҳрор бир ёшга етиб соч олдириш маросими ўтказилаётганда Боғистон қишлоғига буюк Амир Темурнинг ўлими ҳақида хабар тарқалган.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий ўз ҳаёти ва фаолияти давомида Умар Боғистонийнинг қуйидаги: **«Мулла бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма — мусулмон бўл!»** деган ҳикматли сўзига амал қилиб яшади. «Рашаҳот» муаллифи Фахриддин Али Сафий Хожа Аҳрор ерлари Тошкент вилоятидан то Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудда 1300 дан ортиқ экинзорларни ташкил этганини айтиб ўтади. Шуниси эътиборга сазоворки, оддий одамлар солиқлардан қутулмоқ учун ўз ерларини Хожа Аҳрор ихтиёрига ўтказиб ўша ерларида деҳқончилик қилишни давом эттирардилар. У кишининг ҳукмдорлар олдидаги нуфузи юртдошларини шариатда белгиланган ташқари олинадиган фавқулоддаги солиқлардан ҳимоя этган.

Савдо-сотиқ ишлари билан ҳам шуғулланган Хожа Аҳрор нафақат Мовароуннаҳр ҳудуди, балки Хуросон, Ҳиндистонга ҳам мол юбориб турган. У киши ўз хўжалик фаолиятидан олган даромаднинг катта қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий иморатлар тиклаш каби ишларга сарфлаган. Чунончи, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250 000 динор миқдорида солиқ талаб қилганида Ҳазрати Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини, ҳатто 70 000 динор ортиғи билан тўлаган.

Ҳазрат Тошкент, Самарқанд ҳамда Кобул шаҳарларида мадрасалар, шунингдек, масжид, ҳаммом, кўприклар қурдирди. Тошкент Чорсусидаги жомеъ масжиди ҳамда Шайх Ховандитоҳур мақбараси ҳам ул зот ташаббуси билан бунёд этилган. Хожа Аҳрорнинг муридларидан бири бўлган Муҳаммад Қози томонидан келтирилган бир мисол ғоятда ибратлидир: **«Ҳазрат мол мулкларининг барчаси фуқаро учун сарфланарди, баъзан эса харажат даромаддан кўп бўлар ва йилнинг охирида қарздор бўлиб қолардилар».**

Қишлоқ оқсоқоллари



Хожа Довуд қабри

У киши ўз ҳаёти давомида одамларга ўрнак бўладиган кўплаб панд-насиҳатлар, ҳикматлар қолдирган: **«Менинг сизларга дунёни (мол мулкни) манъ этишим, дунёни сизлардан дариғ тутишим маъносида эмас, балки сизларни дунёдан асрамоқ маъносидадир. Чунки инсон шунчалик улуғворлиги билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зоеъ қилмоғига ҳайфим келади».**

Хожа Аҳрор Валий бутун ҳаёти давомида халқни бирлаштириш, турли келишмовчилик ва низоларнинг олдини олиш, дўстлик, биродарликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаш йўлида бор куч ғайратини сарфлаган.

Атоқли олим Бўрибой Аҳмедов ўзининг «Улуғбек» эссесида қуйидаги далилларни келтиради: **«Хожа Аҳрор эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган, яъни мамлакат уруш хавфи остида қолган пайтларда қўл қовуштириб турмаган. Масалан, 1454 йили Мовароуннаҳрга Абулқосим Бобур бостириб кириб, Самарқандни қамал қилганда, 1463 йили уч ҳукмдор Самарқанд подшоси Султон Аҳмад Мирзо бир тарафдан, Андижон ва Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо билан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос ёнида бир бирига қилич ўқталиб турганда, тахминан ўша йили Муҳаммад Жўқий билан амир Нурсаидбек Нурота ва Шоҳруҳия теварагида қўзғолон кўтарганда Хожа Аҳрор бу можароларнинг ҳаммасига аралашиб, тарафкашларни ярашишга мажбур этдилар».**

Дарҳақиқат, Хожа Аҳрорнинг **«Сўфийнинг мақсади нафақат ўзни, балки бутун дунёни қутқаришдир. Бунинг учун эса у борлиқ билан фаол муносабатда бўлиши керак»** деган эзгу даъвати Ер курраси нинг турли нуқталарида низо ва адоватлар юз бераётган бизнинг давримизда ҳам тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришда ўзига хос ўрин тутади.

Алишер Навоийнинг ёзишича, нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросону Ироқ, Озарбойжону Рум, Мисру Хитой ва Ҳиндистондаги подшоҳлар ҳам ўзларини Хожа Убайдуллоҳнинг муридлари деб билганлар. Хожа Аҳрор Валий 1490 йил, 86 ёшида Ургутнинг Камонгарон қишлоғида вафот этади. Васиятларига кўра у киши Самарқанднинг Хожа Кашфий мавзеидаги турар жойларига дафн этилган.

Писком тоғ тизмасининг шимолий этагида, Чорвоқ сув омбори соҳилида жойлашган Боғистон қишлоғи аҳолиси бугунги кунда қарийб 3000 кишига яқин. Улар асосан боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Мустақиллик шарофати билан бу ерда катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1998 йилда барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, 2500 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти, 42-мактабнинг янги биноси ва бошқа маъмурий-маиший бинолар, замонавий уй-жойлар қад ростлади.

Боғистон қишлоғи аҳолиси бу ердан етишиб чиққан машҳур шайх ва уламолар авлоди эканликларидан доимо фахрланишади. Бу ҳақда Боғистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Комил Мусабаров қуйидагиларни гапириб берди: *«Мустақиллик йилларида қайтадан барпо қилинган Шайх Умар Боғистоний мақбараси ҳамда ундан қолган қадимий боғни кўриш, зиёрат қилиш учун қишлоғимизга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан зиёратчилар келишади. Уларнинг кўзидаги ҳайрат қишлоқдошларимизда ҳам фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.*

Қишлоғимиз аҳли улуғ аждодларимиз эзгу даъватларига амал қилиб яшашни ҳам қарз, ҳам фарз деб биладилар».

Дарҳақиқат, Боғистондай муъжазгина қишлоқдан шундай улуғ зотларнинг етишиб чиққанлиги Яратганнинг қутлуғ заминимизга кўрсатган марҳаматидир. Шундай буюкларга бешик бўлган тарихий қишлоқларимизнинг борлигидан нафақат боғистонликлар, балки бутун халқимиз ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
ЎзМУ тарих факультети талабаси.
Суратлар муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ.

Давоми.
Боши ўтган сонда.

Шеър ва шуур

БАҲОР БОШЛАНАДИ БИЗНИНГ ТОҒЛАРДАН

КЎКЛАМ

Бизнинг тоғимиздан бошланар баҳор,
Муз ёриб чиқади бойчечакчалар.
Жарангдор кулгуси билан борлиққа:
— Уйғонинг! Уйғонинг! — дея бонг чалар.

Майсалар энтикиб кетар ногаҳон,
Шамол лаб босганда кўракларига.
Илк гуллар шодланиб берар имтиҳон,
Қизларнинг кўк шоҳи кўйлакларига.

Осмоннинг бағрига сингар варраклар,
Камалак севинчдан расм солади.
Бўй етган қизларнинг ақлу ҳушини
Айрича баҳорий ҳислар олади.

Кўкни тутар асов отлар дупури,
Дилга ҳар гул янги бир соғинч қўшар.
Қалбида ғалаён, юрагида чўғ,
Ошиқ йигитларнинг қонлари жўшар.

Эртакка айлана бошлайди ҳаёт,
Мудраган кўнгиллар нурга интилар.
Тилларга кўчади сеҳрли баёт,
Ғам-алам тобора биздан ортланар.

Янги кун гўёки чақалоқ иси,
Яллалар таралиб турар боғлардан.
Бу жойлар ер эмас, жаннатнинг ўзи,
Баҳор бошланади бизнинг тоғлардан.

ДИЙДОР

Кўзларимда кулди баҳор,
Юрагимга келди баҳор.
Кўнглимда гул, қўлимда гул,
Тўрт томоним бўлди баҳор.

Юзингни оч, ғунчагинам,
Дил соғинган дийдорингни.
Чимирма қош, қалдирғоч-эй,
Бир йўқлаб кўй бсмориштни.

Кўзларига суртар момом,
Минг ўтрилиб нипонангдан.
Шу кунларга шукримиз бор,
Офтоб ўнар пешонангдан.

Қанча қорлар эриб битди,
Қанча музлар тўкиб ёшин.
Қайси йўлдан кетаяпмиз,
Айланмоқда ҳушсиз бошим.

Бир яйрайлик, кел дўстгинам,
Хаста кўнгил тўлгунича.
Ахир яна ким бор, ким йўқ,
Баҳор қайтиб келгунича.

БОЙЧЕЧАК

Тушган каби янги келинчак,
Юрт кўксида бир ҳарир чечак,
Шўх янгалар осинг беланчак,
Баҳор келди бойчечак билан.

Турнақатор далада деҳқон,
Янги ризқ дер ҳар майса, ҳар дон.
Ғанимат бил, уч кунлик меҳмон,
Баҳор келди бойчечак билан.

Кўкни тутиб камалаклари,
Жондан ўтиб жамалаклари,
Соғинтириб сумалаклари.
Баҳор келди бойчечак билан.

Ўйнаб кулсин ёш-яланг шодон,
Севгидан маст куйласин достон.
Ахир юртта дўст аллақачон
Баҳор келди бойчечак билан!..

Жасур ҲУСАНОВ

«ТРАСТБАНК» *хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси*

мунис опаларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, лобар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан самимий табриклайди. Умрингиз узун, толеингиз баланд, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

ТОЖ ДАЪВОГАРИ

СПОРТ

София шаҳрида болгариялик Веселин Топалов ва америкалик Гата Камский ўртасидаги жаҳон шоҳмот тожи даъвогарлари баҳси муддатидан илгари ниҳоясига етди. Еттинчи ўйинда ғалаба қозонган Топалов ҳисобни 4,5:2,5 га етказди ва саккизинчи учрашувни ўтказишга ҳожат қолмади. Энди болгариялик шоҳмотчи шу йил жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши дона суради.

Ананд эса шу кунларда Линаресда ўтаётган анъанавий нуфузли мусобақада иштирок этаяпти. Бу мусобақада 9-тур ўйинларидан кейин қатнашчилар қуйидаги тартибда жойлашишган: Гришук (Россия) — 6; Аронян (Арманистон), Иванчук (Украина) ва Карлсен (Норвегия) — 5 тадан; Ананд — 4,5; Ван Юз (Хитой), Домингес (Куба) ва Ражабов (Озарбойжон) — 3,5 тадан очко. Ушбу мусобақада яна 5 та тур учрашувлари ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
Г — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda